

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 июль куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар шу йили март ойида Тошкент шаҳрида ўтган Стратегик шериклик кенгашининг иккинчи йиғилишида эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар.

Туркия Президенти давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасида тинчлик, барқарорлик ва илчил тараққиётни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар со-

ЎЗА.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Россия Президенти давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича қўрилган қатъий чораларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ўтган йил ноябрь ойида Москва шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки томонлама му-

лоқотлар ва ўзаро алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 35 фоизга ошди. Йирик инвестиция лойиҳалари ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш давом эттирилмоқда.

Минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди, бўлажак тадбирлар режаси, шу жумладан, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши доирасидаги тадбирлар кўриб чиқилди.

ЎЗА.

## БИЛИМЛИ, ШИЖОАТЛИ, ФАОЛ ЁШЛАР — янги Ўзбекистонни бунёд этишда ҳал қилувчи куч



Акс садо

Бугунги кунда сайёрамиз аҳолиси орасида 2 миллиарддан ортиқ ўғил-қизлар бор, бу инсоният тарихидаги ёшлар сони бўйича рекорд кўрсаткичдир. Шу билан бирга, уларнинг деярли 90 фоизи ривожланиётган мамлакатларда истиқомат қилади ва аҳолининг салмоқли қисmini ташкил этади.

Дунё аҳолисининг умумий сони қарийб 8 миллиард кишига яқин бўлиб, шундан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар 25 фоиз, ўн беш ёшдан олтимish тўрт ёшгача бўлган аҳоли 65 фоиз, олтимish беш ва ундан катта ёшдагилар 10 фоиздир.

2050 йилга бориб Ер юзи аҳолиси сони 9,5 миллиардга кўпайиши ва аср охирида деярли 11 миллиардга етиши кутилмоқда. Ёшлар дунё аҳолисининг энг тез ўсаятган қисмидир. Бу даврда кўпроқ одамлар яшаш жойи сифатида шаҳарларни танлаши тахмин қилинмоқда ва 5 ёшгача бўлган болалар сони 65 ва ундан катта ёшдагилардан кўп бўлади.

Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақа бўлиб, аҳолининг ўртача ёши 27,6 ни ташкил этади. Ўзбекистон нуфуси 35,4 миллион кишига етиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,1 фоиз ўсган. Ўттиз ёшгача бўлганлар аҳолининг 60 фоизига тенг.



## Хориждаги ватандошлар: КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТЕЗ ОРАДА ХАЛҚИМИЗ ВА ДАВЛАТИМИЗ РИВОЖИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ



“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ҳал қилувчи паллага кирди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур қонун лойиҳаси бугунги кунда турли сабабларга кўра хорижда бўлиб турган ватандошларимиз томонидан ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда. Ўртдошларимиз мамлакатимиз Асосий Қонунига киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни қўллаб-қувватлаш баробарида, айрим бандларни янада кучайтириш, лойиҳа тилини халқчил қилиш, ҳар бир норма юзасидан алоҳида шарҳлар бериш сингари таклифларни илгари сурмоқда.

### ■ Муносабат

**Озода ИСЛОМОВА, Истанбул шаҳридаги “Ўзбек хотин-қизларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти” раҳбари (Туркия):** — Бугун мамлакатимизда тарихий-сиёсий жараён, яъни бизнинг ҳуқуқ ва бурчларимиз кафолати ҳисобланган Ўзбекистон Конститу-

циясига ўзгартишлар киритиш муҳокама этилмоқда. Бу давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни янада мустаҳкамлаш ва инсон қадрини ошириш учун хизмат қилади.

Конституциямизнинг 22-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам,

унинг чегарасидан ташқарида ҳам фуқароларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатишини кафолатлаши ватандошларимизнинг хорижда бўлса-да, ёлғиз эмаслигини ва унинг ортида Ўзбекистон турганлигини ифодалайди.



### Нуктаи назар

## БУТУНЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК

### ҲАЁТДАГИ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Бир неча кун олдин Ватанимиз тинчлиги, халқларимиз бирдамлиги, мамлакатимиз ривожини, юртимиз келажагини, Ўзбекистон мустақиллигига қарши таҳдид билан юзма-юз келдик. Кутилмаганда рўй берган машъум воқеалар барчамизни огоҳликка чақирди. Бепарволикка берилмасдан, ҳушёрроқ бўлишимиз зарурлигини яна бир бор англатди.

Қорақалпоғистонда кечган воқеалар барчамизнинг кўнгилмишни оғритди. Ушбу ҳаловатсиз кунларда мамлакатимиз раҳбарининг қорақалпоқ халқини қанчаллик севишига, қорақалпоқ дардини ўз дарди, деб билишига яна бир бор амин бўлдик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз мурожаатида “Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун Ўзбек халқининг бахти ва фаровонлигидир”, дегани,

ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Давлатимиз раҳбари бугун улғу мақсад билан яшаётганини, бутун қорақалпоқ диёрини ардоқлаб, унинг истиқболли учун жон куйдираётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Бутун мамлакат қорақалпоққа механизми яратилиб, Қорақалпоғистоннинг ҳар бир туманига юртимизнинг бир вилояти масъул этиб белгиланди ва ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.



## БУ ЭЛНИНГ ҚАЛБИГА ҚУТҚУ СОЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР АДАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кетма-кет — 2 ва 3 июль кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи ҳамда Ватанимизнинг тақдири ва келажагига, қўлғу заминимиздаги тинчлик ва барқарорликка бефарқ бўлмаган барча инсонларга мурожаати Нукус шаҳрида бўлиб ўтган воқеалардан сўнг зирқираб турган юрагимизни тинчлантирди, руҳимизга ҳаловат бахш этди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун Ўзбек халқининг бахти ва фаровонлиги эканини қайд этаркан, ҳаёт синовларида тобланган қорақалпоқ халқининг донишмандлигига ишонишини таъкидлади. Ақл-идрок билан иш тутишга, турли қутқуларга, жумладан, четдан бўлаётган ғаразли чорлов ва ҳаракатларга алданмаслик, уларнинг қурбонига айланмасликка чақирди.

Дарҳақиқат, қорақалпоқлар ўзлари яшайдиган кенгликлар сингари бағри кенг, қалби дарё халқ. Мен бу сўзларни осмондан олиб айтаяётганим йўқ. Боиси, мен ҳам шу юртининг фарзандиман. Айнан қорақалпоқ диёрида туғилиб вояга етганман. Қорақалпоқ

болалари билан ўйнаб бирга ўсганман. Бир парча нонни ўзаро бир-биримизга илиниб, баҳам кўрганмиз. Бир қишлоқ-овулда ён қўшни — жон қўшни бўлиб яшаганман, саҳар туриб мол боқардик, бир синфда, бир партада ўтириб сабоқ тинглаганман, илк алифбо сабоқларини қорақалпоқ муаллимларидан олганман.

Ўрни келганда яна шуни ифтихор ва фخر билан айтаман: Кўнгирот туманида туғилганлигим учун менинг исминини Кўнгиротбой қўйишган. Бизга маълумки кўнгирот — ўзбек ва қорақалпоқнинг энг қадимий уруғларидан бирининг номи. Биргина шунинг ўзи икки эл мангу дўстлигининг мустаҳкам ришталарига ишора.



### Сенат Кенгашида

## НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАЧОН ЎТКАЗИЛИШИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма саккизинчи ялпи мажлисини 2022 йил 8 июль куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қайд этилганидек, видео-конференцалоқа шаклида бўлиб ўтадиган ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқиши назарда тутилган. “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги,

“Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонунлар ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил якунлари бўйича ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи чорагидagi ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш режалаштирилган.

Шунингдек, сенаторлар

дарёлар ўзланларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл ҳўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровларини юбориш масалаларини ҳам муҳокама қилади.

Ялпи мажлисда экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича қўрилаётган чоратадбирлар, юртимизда газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, шунингдек, ҳомиладор ва репродуктив ёшдаги аёллар ҳамда гўдакларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровлари натижалари кўриб чиқилади.

Ялпи мажлис доирасида Олий Мажлиси Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш ҳам кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

### ■ Мулоқот

## ЕХҲТ раҳбарияти референдумга ўз қузатувчиларини юборишга тайёрилигини билдирди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев ҳамда Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Дилором Файзиёва Буюк Британиянинг Бирмингем шаҳрида бўлиб ўтган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси (ЕХҲТ ПА)нинг ёзги сессиясида иштирок этди.





# БУТУНЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК

## ҲАЁТДАГИ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР



➡ Кейинги олти йилда Президентимиз бир неча марта Қорақалпоғистонга борди. Республиканинг ҳар бир қарич ерини кезиб, ҳар бир овулида оддий одамлар билан учрашди.

Орол фожиясини БМТ йиғилиши даражасига кўтариб чиқди. Оролга иккинчи марта ҳаёт бағишлади. Мўйноққа сув келтирди.

Президентимизнинг қорақалпоқ ёшларига меҳри ўзгача. Хар сафар уларнинг орзу-ниятларини эшитида. Қўллаб-қувватлайди. "Менинг болаларим", деб бағ-рига босади...

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари тари-хан бир-бирига мустаҳкам боғланган. Яратган эгам бизни бир-биримизсиз яшолмайдиган даражада яқин қилган. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоир-лари Ибройим Юсупов ва Абдулла Ори-пов ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстлик ҳақида ифтихор билан сўзласак арзий-ди. Ибройим Юсуповнинг Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрига бағишланган самимий шеърлари, икки халқнинг ах-ралмас эканлиги борасидаги иқдорлари тиллардан-тилларга, диллардан-диллар-га кўчиб юради.

Американинг ўттиз иккинчи Президенти Франклин Рузвельтнинг мана бу ўлмас фикрлари бугунги кунларимиз ҳақида айтилгандай:

"Махфий агентлар бизнинг мамлака-тимизда ҳам, қўшни давлатларда ҳам фаол ҳаракат қилмоқда. Улар ички низо-лар уруғини сепишга, ўзаро бир-бирини кўролмаслик ва ўзаро бўлиниш муҳити-ни яратишга ҳаракат қиладилар. ...Улар бизнинг мамлакатда ўрни бўлма-ган, аллақачон ҳамманинг эсидан чиқиб кетган ирқий душманлиқни жонлантириш-ча уринади. Улар аҳолининг ҳар бир гу-руҳида жамиятдаги муросасизлиқни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилишга интилади. Бу ёвузлик уруғини сепувчилар бир мақсадни мўлжаллайди: бизнинг халқимизни бўлиб ташлаш — уни бир-бирига душман қисмларга аж-ратиш, бирлиқни бузиш ва умумий му-дофаа иродасига путур етказиш..." Бу сўзлар бугунги кунда ҳам ўз долзарблиғи-ни йўқотгани йўқ.

Ўзбекистон Президенти нафақат Аф-ғонистонда, балки бутун дунёда уруш-лар тезроқ барҳам топишини истайди. Бу йўлда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Тошкент дунё тинчлиги жарчисига ай-ланган. Марказий Осиёнинг бир бутун-лиги бўйича ҳеч бир давлат расмий Тош-кент даражасида жон қуйдираётгани йўқ. Лекин таҳдидларга тўла дунё такти-каси бошқача. Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётини, халқимизнинг рўшнолиғи-ни кўролмайдиганлар қанча?! Изимизни пойлаб, бир-биримизга гижгижлаб, ар-зимас гаплардан ҳам жанжал чиқариб, томоша қиламан, вазиятдан фойдалана-ман, ўзимнинг ёвуз мақсадларимни амалга ошираман деганлар қанча?!

Бугунги мураккаб давр ҳар биримиз-дан хушёрлиқни талаб этади. Айрим ки-мсаларнинг, бугунгун кучларнинг халқи-миз тинчлигини бузишига, ўртағимизга нифоқ солишига йўл қўймаслигимиз ло-зим.

Қорақалпоқ халқига ҳам, ёшларига ҳам Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларида эшиklar очик. Шу кунгача бирон дар-гоҳда ўзбек қорақалпоқни ёки қорақал-поқ ўзбеки хўрлаганини, ҳурматсизлик

қилганини, камситганини кўрганим йўқ. Қаерда бўлмасин кучоқлашиб кўришган, самимий мулоқотга киришганига гувоҳ бўлганман.

Нукусда бўлиб ўтган кўнгилсизликлар, вайронкорликлар, зўравонликлар қаер-дандир экспорт қилингани аниқ. Сунъий, зўрма-зўраки. Чунки ўзбек билан қора-қалпоқ ҳеч қачон бир-бирига душман бўлиб қарамайдилар. Бир-бирини но-ризо қилмайди. Демак, бу воқеалар ор-тида биз билмаган учинчи кўллар бор.

Кўнгилга бир туйғу хотирjamлик ба-ғишлайди. Оғир кунларда Ўзбекистон Президенти ва ўзбек халқи қорақалпоқ-лари ёлғиз ташлаб қўймади. Шавкат Мирзиёевнинг Нукусга етиб бориши, ва-зиятни ўз қўлига олиши, қорақалпоқ халқининг ҳимояси учун оёққа туриши, бу нохуш воқеалар халқларимизни яна-да жипслаштирганини алоҳида таъкид-лаши давлатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродасини бутун дунёга яна бир бор намойен қилди.

Кимлардир кутганича бўлмайди. Дав-лат бор, қонун бор. Тартиб бор. Демок-ратия — бу анархия эмас.

Халқимиз яхши биладики, фикр май-донда айтилмайди. Фикр билдирмокчи бўлган одам босқинчилик йўлини танла-майди. Қонун доирасида сўз айтиди. Ўз қарашларини илгари суради. Ҳимоя қилади...

Уруш-жанжал — тараққиётнинг кушан-даси. Дошишманд боболаримиз айтга-нидек: Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун қут-баракча кўтарилди...

Мен ҳаётнинг оғир-енглигини, яхши-ёмонини, аччиқ-чучигини кўрганман. Ле-кин шу пайтгача бирон марта ўзбек халқининг бошқа бир миллатни камсит-ганини кўрмадим. Аксинча, ўзи емаса-да бировга тутганини, уйининг тўрига ўтказганини, юрагидан жой берганини билмаман.

Самарқанд давлат университетига ҳозир Қорақалпоғистондан 55 нафар та-лаба тахсил олмоқда. Бир нафар таянч

докторант илмий изланиш олиб бормоқ-да. Улар бу ерда ўзларини ўз уйидаги-дек хотирjam хис қилишади.

Олий таълим даргоҳида фаолият олиб бораётган илмий кенашларда, кейинги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси-дан келган 10 дан ортик илмий тадқи-қотчилар ўз диссертация ишларини ҳимоя қилган.

Университет табиий география ихти-сослиги таянч докторантлари — Зиёдулла Ғаниев "Амударё ҳозирги дельтаси геотизимлари экологик ҳола-тини яхшилашнинг географик асосла-ри", Элёр Файзиев "Амударё дельтаси ландшафтларининг мелiorация таъси-рида ўзгариши" мавзуларида, шунинг-дек, 3 нафар тадқиқотчи ва 5 нафар магистрант Орол денгизи қуриган қис-мининг Амударё дельтасига ва бошқа ҳудудларга таъсири бўйича илмий изла-ниш олиб бормоқда.

Таълим масканимизда 2020 йилда "Оролбўйи табиатини ўрганиш" илмий маркази ташкил қилинган. Марказда Орол денгизи қуриши оқибатлари юза-сидан илмий тадқиқотлар амалга оши-рилмоқда.

Оролбўйи табиатини ва экологик ҳола-тини ўрганиш мақсадида ҳар йили илмий экспедициялар ташкил қилинмоқда...

Самарқанд билан Нукус орасидаги масофа 800 километрдан зиёд. Лекин шунга қарамасдан кўнглимиз яқин.

Ўзбек ва қорақалпоқнинг орасига со-вуқчилик тушибди, деган гапга ҳеч қачон ишонмайман. Бундай бўлмайди. Бу икки халқ бир бўлиб, Ўзбекистон деган дав-латни ташкил этади. Зеро, бутунлик, барқарорлик, ҳамжиҳатлик бизнинг ҳаёт-даги бош мақсадимиздир.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**  
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# БУ ЭЛНИНГ ҚАЛБИГА ҚУТҚУ СОЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР АДАШАДИ



➡ Бу элнинг қалбига қутқу солмоқчи бўлганлар адаша-ди. Улар қалби дарё икки халқнинг ошига оғу қўша олмайдилар. Қаҳрамон шоиримиз Ибройим Юсупов ўз шеъру байтларида гурур билан эътироф эт-ганидек, қорақалпоқ дўсти сўраса, ўзи миниб юрган отини ҳам тортиқ қилиб юборадиган танти ва ҳотамтой эл.

Менинг киндик қоним шу юртга томган, шу юрт тупроғида вояга ет-ганман. Бир қарич ёшдан шу элнинг ичида ўсганман. Ишонч билан шунини айтманки, юраги қора фитначилар қадим-қадимдан бир-бирига қурай кўзнинг қорачигидек вобаста ва ка-марбаста элнинг кўзига чўп сука-ман, деса, қаттиқ адашади.

Бутун дунё туркийлари ягона мас-лак, қутлуг мақсад йўлида билрашмиш госянин олдинга сураётган бир пайт-да оғанини бу халқлар ўртасига қутқу солинишига асло йўл қўймаслигимиз лозим.

Шу юрtnннг битта вакили, қон-дош ва жондош икки халқнинг фар-занди сифатида шунини эътироф қила-манки, кўнча Жайхун фарзандлари ўз уйимиз — ўлан тўшағимизда битта оила фарзандлари тимсолида кела-жаги янада буюк янги Ўзбекистонни билга бунёд этамиз. Зеро, кейинги илларда амалга оширилган қатор ибратли ишлар бунинг амалий ис-ботидир.

Президентимиз ташаббуси ва амалий савийи-ҳаракатларининг ме-васи ўларок, бу ишлар қорақалпоқ диёрида ҳам аққол ўз аксини топ-

моқда. Наинки республика пойтахти ва марказга яқин манзилларда, ак-синча, энг чекка ҳудудларда ҳам ўз бўй-бастини кўрсатмоқда. Масалан, Мўйноқ шаҳри қиёфасида оладиган бўлсақ, ҳазрати инсон кўллари не-чоғли мўъжизакор эканлигига ўзинг-чиз гувоҳ бўласиз. Мўйноқдаги энг замонавий тураржойлар, муҳташам санъат қошоналари, спорт мажмуа-лари, шунингдек, бу ердаги яшовчил-лар учун яратилган қулайлик ва им-кониятлар кўрган кишини лол қолди-ради.

Чиндан ҳам ҳозирги замон русу-мидаги барча маданий-маиший объектлар ҳар қандай тараққий этган шаҳар билан бемалол тенглаша ола-ди. Ёхуд мамлакатларнинг энг чекка мас-канларидан саналган Кўнорот тумани ва шаҳри мисолида ҳам юқоридаги сингари илиқ гапларни айтиш мум-кин. Ваҳоланки, вақти замонида "Борса келмес" ҳудудларига туташ-ган бу жойларни халқ ўз таъбири билан қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди, дея атаган. Бугун шу яқин атрофда барпо этилган қатор газ са-ноати ва сода заводларида минглаб аҳоли ишлаб, она Ватанимиз равна-қига ўз хиссаларини қўшиб келмоқ-да.

Яқинда иш юзасидан Нукус шаҳ-рида бўлдим, бу ердаги замонавий бинолар ва бошқа ишлаб чиқариш иншоотларини, кенг ва раван кўча-ларни кўриб, кўзларимга ишонмаган-ним ҳам рост. Ватанимиздаги ўзга-ришларга монанд муҳташам иморат-лар, қатор олий ўқув масканлари бу юрtnннг эртаси янада порлоқ экани-га қаролатди.

Донишманд сарбони бор мамла-катнинг келажаги янада нури бўла-ди. Президентимиз томонидан Ватанимизда амалга оширилаётган ишлар ҳар биримизга ана шундай юксак ишонч, қатъият ва ғайрат-ши-жоат бағишлайди. Бунга заррача шак-шубҳа йўқ.

**Қўниротбой ШАРИПОВ,**  
**Тошкент давлат иқтисодий университети ректори.**

## Хориждаги ватандошлар:

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТЕЗ ОРАДА ХАЛҚИМИЗ ВА ДАВЛАТИМИЗ РИВОЖИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ



➡ Шу боис ҳам Конститу-цияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жа-раёнига бефарқ бўлмас-лигимиз ва фаол бўли-шимиз керак, деб ҳисоб-лайман. Чунки Президент Шавкат Мирзиёев томо-нидан илгари сурилган ушбу ташаббус нафақат ҳуқуқ ва бурчларимиз,

балки келажагимизнинг қафолати ҳамдир.

Дунё глобализация жараёнида инсон қадрини улуғ-лаш каби олий қадриятларнинг Асосий Қонунга кирити-лиши миллатнинг ҳуқуқий онгини янада юксалти-ришга катта туртки беришига аминман.

Биз, Туркиядаги ватандошлар давлатимиз раҳбари томонидан хориждаги юртдошларимиз, ху-сусан, хотин-қизларга, уларнинг ҳақ ва ҳуқуқлари-ни таъминлашга қаратилган сиёсатни теран ҳис қилаймиз.

Хусусан, мен, ўзбек аёлларининг вакили, улар-нинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи жамият раҳбари си-фатида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан миннатдорман. Бугунги кунда биз Ўзбекистоннинг Истанбулдаги Бош консулхонаси ва диаспора ва-киллари билан ҳамкорликда катта марраларни кўзлаган ҳолда фаолият олиб бораёмиз. Мақсади-миз Туркияда таълим олаётган, вақтинча меҳнат қилаётган ёки яшаётган ўзбек хотин-қизларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашдан иборат.

**Раҳмонали ЖУМАЕВ,**  
**Токио чет тиллар университети докторанти, масъул ходими ва "АОИКАТ Ташкент" ваколатхонаси раҳбари (Япония):**

— Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан йиғилишдаги нутқини диққат билан ўқиб чиқ-дим. Давлат раҳбари томони-дан илгари сурилган ташаб-буслар янги Ўзбекистонни бар-по этиш борасидаги энг дол-зарб ҳамда ўз вақтида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим ислохотлар, деб била-ман. Чунки ҳар бир давлат ривожланиш даврида ўзининг Асосий Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бориши — бу замон талаби ҳисобланади.

Албатта, Японияда ҳам бу ҳолат кузатилган. Замо-навий япон жамиятида ҳам мамлакат Конституцияси-га ўзгартиш киритиш бўйича кўплаб баҳс-мунозара-лар бўлиб турди.

Ўзбекистон фукароси сифатида Асосий Қонунимизни ҳозирги глобализация даврида замон билан ҳамка-дам, энг мукаммал даражага келтириш, гоят муҳим ва масъулятли вазифа, деб биламан.

Охириги беш йилда жамиятимизнинг яшаш тар-зи, инсонларнинг дунёқараши буткул ўзгарди. Ватандошларимиз амалга оширилаётган ўзгаришлар, айниқса, амалдаги Конституцияни янада такомиллаш-тириш бўйича ислохотларга бефарқ эмас. Ушбу жа-раёнда ҳар бир фуқаро ўз тақлиф ва мулохазалари билан фаол қатнашаётгани қувонарли ҳолат.

Айниқса, Президентимизнинг хорижий инвести-цияларни жалб этиш ҳамда хусусий мулк дахлсиз-лигини қучайтириш бўйича тақлифларини жуда му-ҳим, деб биламан. Чет эл инвесторлари учун янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳар бир исло-хот, айниқса, конституциявий ислохотлар катта аҳамиятга эга.

Ўйлайманики, ушбу ислохотлар истиқболда мамла-катимизнинг дунёдаги ривожланган давлатлар қато-рида бўлишига замин яратади.

**Умаржон ОЛИМЖОНОВ,**  
**Барановичи давлат университети талабаси, "МДХНЭ энг яхши талабаси" танлови ғолиби (Беларуси):**



— Хорижда бўлиб, жаҳон саҳнасида Ўзе-бистонни, Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаро-нинг муқаддас бурчи экан-ига яна бир бор амин бўлдим.

Бугунги кунда Ўзе-бистонда муҳим сиёсий жараён кетмоқда. Халқимиз конституциявий

ислохотларни фаол муҳокама қияпти. Ушбу ислохотлар мамлакатимизнинг сиёсий, маъ-мурий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида жуда му-ҳим ўрин тутди, шунингдек, эркин демократик давлат қуриш ва ҳусусан, ёш авлод учун муносиб келажақ қалитидир.

Янги Ўзбекистонни қуриш биз ёшлар учун энг му-ҳим вазифадир. Ишончли қомилки, амалга ошири-лаётган ислохотлар халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш учун қўлай шарт-шароит яратади.

Ишонтириб айтаманки, билим ва маҳоратим билан давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун муносиб ҳисса қўлишга астойдил ҳара-кат қиламан.

**Рамля Рўзи МАМАТИЙ,**  
**Вена давлат университети магистранти (Австрия):**



— Қўтлаб ватандошларимиз катори мен ҳам умумхалқ му-ҳокамасига қўйилган "Ўзе-бистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўриси-да" ги Конституциявий қонун лойиҳаси билан тўлиқ танишиб чиқдим.

Конституция ҳар бир дав-латнинг ҳуқуқий пойдевори ҳисобланиб, фуқаролар-нинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида акс эттирадиган Асосий Қонун ҳисобланади. Бош қомусимизга ҳозир-ги замон воқеликларида келиб чиқиб ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши эса давр талаби, деб ҳисоб-лайман.

Конституциямизга киритилаётган кенг қамровли янги нормалар, ҳар бир соҳа, хусусан, ижтимоий, иқтисо-дий, сиёсий жаҳаблардаги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари янада мустақамлаб, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилганлигини кўриш мумкин.

Ушбу конституциявий ислохотлар Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат сифатида эъти-роф этилиши ҳамда халқимиз фаровонлиги ва юрти-мизнинг янада равнақ топиши учун хизмат қилади.

Амалга оширилаётган мазкур муҳим ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, Австрияда олаётган билим, кўникма ва тажрибаларим билан келажақда Ватанимиз ривожига ўз ҳиссамни қўлишга ваъда бе-раман.

**Дилшод УМИРОВ,**  
**"Reisebank AG" банки ходими ва ўзбекистонлик ёшлар клуби раҳбари (Германия):**

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда энг долзарб мав-зулардан бири — бу конституциявий ислохотлар, де-сам, хато бўлмайди. Германиядаги кўплаб ватандош-лар бу ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораё-миз.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш

тарзи тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етук ин-сонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратиш бўйича тақлифини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Шу ўринда таъкидлаш жо-изки, чет элда тахсил олаёт-ган ёки меҳнат қилаётган тенг-дошларини ушбу ислохотларга ҳайрихоҳлик билдирмоқда. Бундай ёндашув ёшларнинг Ўзбекистоннинг истиқбол-даги тараққиётига бефарқ эмаслигидан дарак беради.

Асосий Қонунга киритилаётган янги нормалар Ватанимиз ривожига муносиб ҳисса қўлишига аминман.

**Фарида КАРИМОВА,**  
**Шанхай шаҳридаги "Adidas Group" компанияси ходими (Хитой):**



— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Конституциясига ўзгаришлар киритиш бўйича билдирган тақлиф-лари мамлакатимиз ҳаётини яна-да фаровонлаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Давлатимиз ривожланиб бора-гани сари Конституцияни ҳам та-комиллаштириб, демократик та-моийилларга мослаб бориш зару-рияти туғилмоқда. Бу борада берилган тақлифларга синчковлик билан эътибор берилса, уларнинг ҳалқ ва давлат ривожига учун қанчалик муҳим эканини кўриш мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, охириги вақтларда Ўзбекистон-да "снос" ва кўчмас мулк масалалари бўйича турли тортишувлар юзага келганди. Президентимизнинг ушбу муҳим масала юзасидан берган тақлифлари ва уй-жой бўйича конституциявий қафолат белгиланиши ўз вақтида бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонга хорижий инвестор-ларни жалб қилиш борасида ҳам жадал ишлар олиб борилаётгани бутун дунёга маълум. Конституцияда ху-сусий мулкнинг ишончли қафолатлари ва ҳимояси бел-гиллаб қўйилиши юртимизда тадбиркорлик янада ри-вожланишига ҳамда хориждан инвесторлар сонининг ошишига асос бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, катта-кичи-клигидан қатъи назар, ҳар бир тадбиркор доимо дав-лат, Конституция, қонулар ҳамда Президент ҳимоя-сида экани ва ривожланган давлатлардаги каби мулк-дор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли то-вон пулисиз мулкидан маҳрум этилмаслиги айлани мудраодир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаёт-ган конституциявий ислохотлар тез орада халқимиз ва давлатимиз ривожига ўз ифодасини топади, деб ишонамиз.

**Юлдуз УЗУНАСЛАН,**  
**"Turkpermit Organizasyon Danismanlik A.Ю." компаниясининг Истанбулдаги филиали раҳбари (Туркия):**



— Биз хориждаги ватандош-лар жонжон Ўзбекистонимиз-да сўнги йилларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маъ-навий-гуманитар соҳалардаги туб ислохотлар ва умуман, ўзбек халқи ҳаётининг барча жаҳабларидаги иқбилий ўзгариш-ларни катта қизиқиш билан ку-затиб бораёмиз.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат Конституциясига ўзгариш-лар киритиш ташаббуси Ўзбекистонда инсон қадрини

мустақамлаш, жамиятда очиклиқни таъминлаш, кам-бағалликни қижраттириш, қижқача айтганда, ўзбек халқи турмуш даражасини янада юксалтиришга қай даража-да эътибор берилаётганидан далолатдир.

Инсонга бу тарзда хизмат қилишдек олий мақсад хориждаги ўзбек ватандошларимиз учун ҳам жуда қувончли ҳол.

Бош қомусининг 22-моддасига "Ўзбекистон Респу-бликаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисидида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳоимийлик кўр-сатишни қафолатлайди" деган қўшимчанинг киритили-шини хориждаги, жумладан, Туркиядаги Ўзбекистон фуқаролари учун муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблай-ман. Шунингдек, ушбу моддадаги "Давлат хорижда яшаётган фуқаролар ва ватандошлар билан алоқа-ларни сақлаб қолиши ҳамда ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади" нормаси мен каби Ўзбекистондан ташқарида яшаб келаётган ватандошлар билан алоқаларни изчил равишда ривожлантириш ва мус-тақамлашга хизмат қилади, деб биламан.

**Амирхон АНОРКУЛОВ,**  
**Германияда "Эрасмус" дастури асосида тахсил олаётган ватандош:**



— Мамлакатимизда Бош қомусимизга янги-ликлар киритилмоқда. Ушбу қўшимчалар, бирин-чи навбатда, Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Конституция лойиҳа-сида "Инсон қадрини ва халқ манфаати ҳамма нарсадан усту" деган олижаноб ғоя илгари суриляпти. Янгиланаётган Бош қомусимизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилиши зарур.

Президентимиз тақлиф этаётган "Ўзбекистон — иж-тимоий давлат" деган тамойилни мустақамлашни қўллаб-қувватлайман. Бу ерда "инсон қадрини" тушуна-си "ижтимоий давлат" тушунасига билан чамбарчас боғлиқдир. Ишчиликдан ҳимояланиш, қафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча шахсларни қўллаб-қувватлаш — бу ижтимоий давлат-нинг асосий вазифасидир, деган ёндашуви ҳам маъ-қуллаيمان.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан олинб борилаётган ислохотлар айнан биз ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқ-да. Хусусан, мен Ўзбекистон ёшлари вакили эканли-гимдан фахрланаман ва келажақда Ватанимиз риво-жига ўз ҳиссамни қўлиш истагидаман.

**Мухаммад ИСМАТОВ,**  
**Нагоя университети магистранти (Япония):**



— Юртбошимизнинг амал-даги Конституцияга ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб ўзгаришлар киритиш борасидаги ташаббус ва тақ-лифлари ўринли бўлди, десақ, асло муболага бўлмайди. Ай-ниқса, ижтимоий йўналишда-ги кенг қамровли ҳуқуқий нор-маларни Бош қомусимизга

киритиш тақлифи



Сенат кўмитасида

КИМЛАР 3 ЙИЛДАН 10 ЙИЛГАЧА  
ҲОЙДА СОЛИҒИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ?



Дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун атрофида таҳлилдан ўтказилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун билан махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг, улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатда Ҳойда солиғидан озод этилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, бир қатор нормаларда тадбиркор махсус иқтисодий зона ҳудудида ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар кўрсатувчи сифатида қабул қилинган сандан бошлаб Ҳойда солиғи билан боғлиқ имтиёزلардан Ҳойдаланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Мажлисда “Солиқ масласида оид фаолият тўғрисида”ги қонун ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинган.

Айтиб ўтилганидек, 2006 йилда қабул қилинган “Солиқ масласида оид фаолият тўғрисида”ги қонун бугунги кунда амалда оширилган иқтисодиёт, мо-

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сенаторлар, кўмита хузуридаги экспертлар кенгаши аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

ишга туширилган ва 30,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланган. Натижада мазкур лойиҳалар доирасида 254 турдаги 411 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар экспорт қилинган ҳамда 12 минг 400 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилган.

Уз навбатида, муҳокамалар жараёнида амалга оширилган лойиҳалар доирасида аввал ишлаб чиқарилаётган янги турдаги, хусусан, сув ташувчи юк машинаси, бурғилиш насоси, кичик қувватли электр моторлар, ультраовулси сув ўлчамчилар сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилгани айтилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил якунлари ва 2022 йил биринчи чорадаги иқроси тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам таҳлилдан ўтказилди.

Яқунда кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат кўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БЮДЖЕТ МАБЛАҒИ  
САРФЛАНИШИДА ХАТО ВА  
КАМЧИЛИКЛАРГА ЙЎЛ ҚўЙИЛГАН

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза муҳокама қилинди.

Тадбирда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори томонидан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, юртимизда сўнгги беш йилда давлат ва жамият қурилиши барча ҳаёсида коррупцион омилларга чек қўйишга қаратилган 80 дан ортиқ, бевосита коррупцияга қарши курашиш жараёнларини тартибга солувчи 10 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, бу борадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ташкил этилди.

2021 йилда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда қўмқашган шахсларни рағбатлантириш механизми жорий қилинди.

Қолаверса, республика даражасидаги давлат ва ҳўжалик ташкилотларида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат тўзимлари фаолияти йўлга қўйилган. “Коррупциядан холи қонунчилик” таъмоили асосида қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши эксперти-

задан ўтказиш тартиби ҳам жорий қилинган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ерларни тўғридан-тўғри ва бепул бериш амалиёти бекор қилиниб, фақат аукцион орқали сотиш амалиёти йўлга қўйилди.

Утган йилдан бошлаб бюджет бюортмачилари томонидан амалга оширилган, шу жумладан, қурилиш ва таъмирлашга оид давлат харидлари ҳақидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб бериш тартиби жорий қилинди. “Яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва коррупцияга қарши “компанен-назорат” тизмини қўллаш юзасидан 26 та вазирлик ва идорада “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Халқро ташкилотлар ва хорижий давлатлар тегишли идоралар билан ҳамкорликка оид 6 та меморандум ҳамда 3 та ҳамкорлик дастури имзоланган.

Шунингдек, агентлик томонидан қриминогом вазият мураккаб бўлган ҳудудлар ҳуқуқ-тартиб идоралари фаолияти юзасидан аноним тарзда сўровлар ўтказилиб, таҳлиллар асосида ҳуқуқ-тартиб идораларида коррупциявий ҳавф-хатар мавжудлиги аниқланган ва уларни бартараф этишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилган.

Муҳокама давомида ушбу соҳада амалга оширилган ислохотларга қарамадан, коррупциявий

«Халқ сўзи».

СУВ ИНШОТЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ОЧИҚ АЙТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парламенти аъзолари, экспертлар гуруҳи, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кўзда тутилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Шу билан бирга, сув ҳўжалиги вазири Ш. Ҳамроевнинг “Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси доирасида 2022 йил биринчи ярмида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахбороти кенг муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда республикадаги 1 минг 688 та насос станциясида турли диаметрдаги 2846 км. бо-

симли қувурлар кўп йиллардан буюн эксплуатация қилиниши натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бу эса мазкур насос станцияларидан чиқаришган сувнинг исроф бўлишига, экин майдонларига тўлиқ етиб бормаслиги ҳамда электр энергиясининг ортиқча сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Қолаверса, рўёбга чиқарилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига хорижий инвесторларни кенг жалб этишга манфаатдор вазирлик ва идоралар етарли даражада эътибор қаратмаган. Камига, Давлат бюджетидан маблағ талаб

қилинадиган лойиҳаларга Молия вазирлигиндан тегишли хулосаларни олиш учун кўп вақт сарфланмоқда, бу эса уларни амалга ошириш кечикишига сабаб бўлмоқда. Томчиллатиш сўғориш технологиялари жорий қилинган майдонларда уларни кафолатли ишлатиш бўйича тарафларга мажбурийят қўйилмагани боис кейинги йилларда технологияларни қўллашда қатор муаммолар юзага келаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Сенаторлар томонидан дарёлар ўзланларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдаланган қазилмаларни казиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл ҳўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Уз навбатида, дарё ўзланларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норузда фойдаланган қазилмаларни казиб олиш,

ер ости сувларини олиш учун қудқ бурғилаш, улардан самарали ва оқилна фойдаланиш, муҳофаза қилинишини таъминлаш, ичимлик суви объектларини қуриш ва таъмирлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилгани ва унга мувофиқ муайян ишлар амалга оширилгани ҳам иштирокчиларнинг эътибори марказида бўлди.

Қайд этилганидек, бу борада ҳам қатор муаммолар масалалар сақланиб қолмоқда. Масалан, келишилган лойиҳа параметрлари, гидрогеология, экология талабларига риоя қилинмаган. Масъл вазирлик ва идоралар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар иқроси етарлича таъминланмаган. Шу сабабли ҳам ҳудудларда ҳўжалик юритувчи субъектлар белгиланмаган жойлардан қўм-шағал аралашмасини ноқонуний қазиб олмақда. Тегишли шартнома ва лицензияга эга бўлмаган субъектлар томо-

нидан 35 та объектда 66 та қонунбузилиш ҳолати кузатилиб, қўм-шағал аралашмаси ноқонуний қазиб олинаётгани аниқлангани бунга мисол сифатида келтирилди.

Бунинг натижасида эса ер усти ва ер ости сувлари қамайиб кетган, сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари ботқоқлашган ва ифлосланган, қирғоқлар емирилган, транспорт ва гидротехника инфраузилма объектлари, яъни республика бўйича жами 26 та кўприкнинг таянчлари авария ҳолатига келиб қолган.

Шунингдек, тадбирда дарё бўйларига турли чиқиндилар ташланаётгани боис атроф-муҳит ифлосланиб, қирғоқларнинг санитария ҳолати бузилаётганига уру берилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сенат кўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Имконият

СУДЛАНГАНЛИК  
ҚАРИНДОШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ЧЕКЛАШИ МУМКИН ЭМАС

Бир пайтлар отасининг қилимиши учун фарзандлар ёки ака учун ука жавоб берадди. Бу кўп йиллар давомида инсонлар ҳуқуқи поймол бўлиши, эркин ишлаш, эркин касб танлаш имкониятидан маҳрум этилишига олиб келди. Мазкур “тизим” халқимизга нисбатан адолатсизлик бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда шахсининг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслигини бош қомусимизга қатъий ёзиб қўйиш тақдирини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган маросимда ҳам яқин қариндошлари судланган, деб фўқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинланмаслик билан боғлиқ масалалар алоҳида тўхталган эди. Бунинг замирида кенг маъно, қўллаб қўрдошларимизни чуқур ўйлантириб келган масала бор.

Яқин-яқингача ҳам отаси учун боласи сиқувга олинган ёки аксинча ҳолатлар йўқ эмасди. Кейинги йиллардаги қатъий талаб, инсонпарвар сиёсат сабабли “қора рўйхат”ларга барҳам берилди.

Айтиш керакики, судланганлик шахсининг ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги бошқа қатор давлатлар қонунчилигида ҳам белгилан қўйилган. Хусусан, бундай метёр Польша, Испания, Хорватия, Словения ва бошқа давлатлар конституцияларида мустаҳкамланган. Яъни Президентимиз тақлифи халқро демократик амалиётга ҳам ҳар томонлама мос келди.

Мутасар айтганда, шахсининг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслиги Конституциямизда қатъий ёзиб қўйилиши умуминсонийлик тамойилларига мувофиқдир. Юқорида келтирилган барча омилларни ҳисобга олган ҳолда, бу тақлифи ҳар бир ватандашомизни, ҳар бир ота-она тўлиқ қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Шербек БЎРОНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЕХҲТ раҳбарияти референдумга ўз қузатувчиларини  
юборишга тайёрлигини билдирди

Мамлакатимиз парламенти делегацияси раҳбари ўз нутқида Оролбўйи минтақасидаги муаммолар, Ҳукумат томонидан минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли сий-ҳаракатларга форум иштирокчилари эътиборини қаратди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёнинг долзарб экологик муаммоларини ҳал қилишга халқро ташкилотларни жалб этиш борасидаги ташаббусларига алоҳида уру берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Қозғоғистон делегациялари томонидан тақдим этилган Орол денгизи муаммоси бўйича қўшма

баёнот ЕХҲТнинг расмий тилларда тарқатилди.

Делегациямиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан соғлиқни сақлаш тизими янги методологиясини ишлаб чиқиш ва Оролбўйи аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган янги лойиҳани ишга тушириш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Уз навбатида, мамлакатимизнинг 2023 йилда Ўзбекистонда ЕХҲТ ПАНТИН кузги сессиясини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи яна бир бор тасдиқланди.

Шунингдек, делегациямиз аъзолари ЕХҲТ ПАНТИН доимий кўмитаси ҳамда сиёсий, ҳавфсизлик, иқтисодий, фан, техника ва атроф-муҳит, демократия, ин-

сон ҳуқуқлари ва гуманитар масалалар бўйича кўмиталари ййғилишларида ҳам иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон ва Қозғоғистон томонидан илгари сурилган “БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг ЕХҲТ томонидан амалга оширилиши” қўшма резолюциясини қўллаб-қувватлади. Ҳужжат барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, инклюзивлигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш, БРМН миллий механизмлар, жараёнлар ва тизимларга жорий қилиш бўйича тавсияларни ўз ичига олганлиги билан эътиборга молик.

Шунингдек, тадбир доирасида ЕХҲТ ПА раиси Маргарета

Седерфельт, ЕХҲТ ПА бош котиби Роберто Монтелла, ЕХҲТ ПА вице-президенти, Марказий Осиё бўйича махсус вакил Пиа Каума, ЕХҲТ юқори даражадаги эксперти, элчи Ламберто Заннери билан учрашувлар ўтказилди. Мулоқотларда Ўзбекистон томонидан экологик муаммоларни ҳал қилиш ҳамда минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган сий-ҳаракатларга юқори баҳо берилди.

ЕХҲТ раҳбарияти Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар бўйича ўтказиладиган референдумга ўз қузатувчиларини юборишга тайёрлигини билдирди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛДИ

Кейинги беш йилда мамлакатимизда солиқ солиш базасини кенгайтириш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юқини қамайитириш ҳисобига мутлақо янги тизим яратилди.

Имтиёз

Қизғин муҳокамалардан сўн янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинди. Кодекс билан тўғридан-тўғри қўлланувчи нормалар жорий этилиб, солиқлар сонни 13 тадан 9 гага қамайитирилди. 2026 йилга бориб иқтисодиётда солиқ юқини 25 фоизгача қамайитириш, 2023 йилдан қўйилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизгача тушириш, кейинчалик ер ва мулк солиқларини бериш халқ депутатлари Кенгашларига берилди. Республика бюджетига тушадиган солиқлар бўйича эса солиқ қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш механизми ишга туширилди, унга қўра, маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар бўйича қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш халқ депутатлари Кенгашларига берилди. Республика бюджетига тушадиган солиқлар бўйича эса солиқ қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан аризини ўзлари ҳисобда турган ҳудуддаги солиқ органлари орқали Давлат солиқ кўмитасига тақдим этиш белгиланди.

Бундан аввал эса солиқларни тўлашнинг кечиктириш бўйича ваколат факатгина марказлаштирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги комиссияга берилган бўлиб, солиқларни тўлашни

ларнинг олди олинишига, маблағлар тежаллишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, солиқ тўловчилар учун яна бир муҳим қўлайлик — солиқ қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини беришнинг янги механизми ишга туширилди, унга қўра, маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар бўйича қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш халқ депутатлари Кенгашларига берилди. Республика бюджетига тушадиган солиқлар бўйича эса солиқ қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан аризини ўзлари ҳисобда турган ҳудуддаги солиқ органлари орқали Давлат солиқ кўмитасига тақдим этиш белгиланди.

Бундан аввал эса солиқларни тўлашнинг кечиктириш бўйича ваколат факатгина марказлаштирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги комиссияга берилган бўлиб, солиқларни тўлашни

кечиктириш ҳуқуқини олиш учун тадбиркорлар ортиқча қорғозбозликка ва кўп вақт сарфлашга мажбур эди.

Шу ўринда “солиқ имтиёзи” тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак. Аввало, солиқ имтиёзи дейилганда, солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан назарда тутилган афзаласликлар, шу жумладан, солиқчи тўламаслик ёки уларни қамроқ микдорда тўлаш имконияти берилиши тушуналади.

Таъкидлаш маълумки, аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари айнан маълум бир соҳада ишлаб чиқаришни ёки маълум бир ҳудудни ривожлантиришни рағбатлантирувчи муҳим восита ҳисобланади. Бу борада бизда ҳам солиқ имтиёзлари, аввало, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда ҳамда ички бозорни сифатли, ҳаёт учун энг зарур истеъмол товарлари билан таъминлашга хизмат қиладиган ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларини мақсадли ривожлантиришда ва самарали боджет-солиқ сиёсатини юритишда муҳим ўрин тўлмоқда, десак, муболага бўлмайди.

Айтайлик, берилаётган солиқ имтиёзларининг аксарият қисми рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, экспортёр қорхоналарга, хусусан, ма-

сус иқтисодий зоналарда фаолият юритяётган ишлаб чиқарувчиларга ҳамда мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган ийрик солиқ тўловчилар ҳиссасига тўғри келаётганлиги ҳам бунга мисол бўла олади.

Солиқ кодексига янги 483-модда, “Вактинчалик солиқ имтиёзлари” моддаси киритилиши солиқ тўловчиларга имтиёз тақдим қилишда яна бир муҳим қадам бўлди. Сабаби, “вактинчалик солиқ имтиёзлари” тушунчаси Солиқ кодексига пандемик инқироз даврида киритилиб, биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчиларни айнан ушбу мураккаб вазиятларда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳиддий эътибор қаратилди.

Бу имтиёзлар жорий қилиниши пандемик инқироз оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳаммаларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида ҳомашё товарлари нарҳининг барқарор эмаслиги каби салбий омиллар таъсирини юмшатишга, мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг зулуссиз ишлашини таъминлаш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга хизмат қилди.

Жараён

2016 йил юртимизда етилтирилган пахта ҳомашёсининг 37 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда Ўзбекистон ўз пахта толасини 100 фоиз қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Чунки ҳомашёни тайёр маҳсулот шаклида бозорга чиқариш уни тола ва ип-газлама сифатида сотишга қараганда бир неча баробар кўпроқ фойда келтиради. Мамлакатимизда кейинги йилларда сифатли, арзон ва харидорларга тайёр товарлар экспорти ҳажминини оширишга катта эътибор қаратилаётгани боиси ҳам шунда.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ  
ЖАҲОН БОЗОРИДА  
РАҚОБАТБАРДОШ  
БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу соҳада тўлиқ кластер тизими жорий этилиб, сўнгги уч йилда пахта-тўқимачилик кластерларига 23 трллон сўмдан зиёд имтиёзли маблағлар ажратилгани натижасида бугун тўқимачилик соҳасида 7,3 мингдан кўп мустақил ҳўжалик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” дастурлари орқали минглаб оилалар тикув машиналари билан таъминланиб, иш бошлади.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тўғрисида Ўзбекистонда тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки дунё бозорини ҳам эгалланмоқда. Асосийси, бугун маҳсулотларимиз жаҳоннинг барча қитъаларига жўнатилмақда.

Хусусан, Европанинг Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Португалия, Испания, Нидерландия каби 27 та давлати, Америка қитъасининг АҚШ, Канада, Бразилия каби 8 та мамлакатни маҳсулотимизни харид қилмоқда. Осиёнинг Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон каби 20 дан ортиқ давлатларида тўқимачилик маҳсулотларимиз аллақачон ўз харидорларини топди.

Табиийки, эндиликда бўялган трикотаж мато ва газлама экспорт қилувчиларга 10 фоизгача микдорда субсидия берилиши, чет элга тайёр маҳсулот етказиб бериш учун бюртмага асосан, алоҳида авиарейслар йўлга қўйилиши экспорт ҳажмининг бир неча баробар оширишга хизмат қиладди.

Сабаби тўқимачилик тармоғи ҳам ҳомашё, ҳам экспорт, ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда катта имкониятга эга. Ҳозирда ушбу тармоқда 400 минг киши меҳнат қилляпти. Агар бутун тизим илм ва замонавий технологиялар асосида тўғри ташкил қилинса, иш ўринларини 1 миллионга етказиш мумкин.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини қўлайитириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида пахтани чуқур қайта ишлаб, соҳа экспортини қамиди икки баробар қўлайитириш вазифаси қўйилгани ҳам бежиз эмас. Чунки юртимизда ушбу тармоқни ривожлантириш учун зарур шароитлар, барча имконият мавжуд.

Шунингдек, илмга асосланган уруғчилик ва агротехнологиялар ҳисобига, пахта ҳосилдорлигини ошириш, толлани чуқур қайта ишлаб, экспортни 2 баравар қўлайитиришга имкониятлар етарли. Соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган ишлар эса тўқимачилик қорхоналари ва кластерлари томонидан пахтани чуқур қайта ишлаш ва халқро стандартларга мувофиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш имконини беради.

Умуман олганда, сўнгги йилларда мамлакатимиз тўқимачилик саноатида микдор ва сифат ўзгаришлари оз берди. Йиғилишда белгиланган вазифалар, шубҳасиз, ушбу тармоқда минглаб янги иш ўринлари яратиш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қиладди.

Одинамов ОТАХОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Яна бир мисол. Президентимизнинг 2020 йил 3 апрелдаги Фармонига асосан аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари учун энг зарур озиқ-овқат ва нозик-овқат маҳсулотларининг 20 турини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб қиришда божхона божини ва акциз солиғининг “ноль” ставкалари белгиланиб, кейинроқ аҳоли истеъмоли учун энг зарур озиқ-овқат, ҳомашё ва тайёр маҳсулотларнинг янги импорти ҳамда реализацияси вақтинчалик қўшимча қиймат солиғидан ҳам озод қилинди. Аҳамиятлиси, ушбу имтиёзлар айни вақтда ҳам амалда ва энг зарур маҳсулотларнинг ички истеъмол бозорига тўлиқлигини ва нарҳларининг барқарорлигини таъминлапти.

Умуман, барча учун тенг имкониятлар берадиган солиқ имтиёзлари жорий этилиши тадбиркорлик субъектларининг ўз ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларига янги технологияларни жорий этишда самарали восита бўлиб, келгусида бюджетга солиқ базасининг салмоқли кенгайишига ва албатта, бюджет даромадлари тушумларининг кескин ошишига хизмат қилишига ишонамиз.

Абдуғани УМИРОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



**янги Ўзбекистонни  
бунёд этишда  
ҳал қилувчи куч**

